




Ўзбек оналарининг умумлашган образи она қиёфасида намоён бўлган. Монументда акс этган она — Ватан, унинг қучоғидаги бола эса келажакимиз рамзи. Ер шари, ундаги Ўзбекистон харитаси юртимизнинг дунё мамлакатлари билан эмин-эркин, тенг ҳуқуқлилик асосида муносабатда бўлиши, герб эса истиқлол нишонасидир.



Касаба уюшма иштирокида ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми мустаҳкамланмоқда. Ҳар бир ходимнинг маҳсулот сифати учун масъулияти ошмоқда. Корхона жамоаси Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг буюртмаларини ҳам бажаришяпти.



Ушбу конкурс жаҳон матбуоти соҳасида энг нуфузли анжуман ҳисобланади. Унда дунёнинг «Washington Post», «Times», «Life», «Liberation», «Financial Times», «El Pais», «Известия», «Комсомольская правда» сингари минглаб нашрларда чоп этилган асарлар қатнашади.



Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

Бизнинг энг улғу мақсадимиз, энг улғу ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

Ислон
КАРИМОВ

2008-йил
26-avgust
103-104 (2517)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ПЕКИН ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН СПОРТЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга, мамлакатимизда истеъдодли ёш спортчиларни тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Тангриев Абдулло Товашевич - Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Хилько Екатерина Викторовна - Трampoline бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида

хизмат кўрсатган спорт устози»
Григорьев Борис Иванович - Марказий ҳарбий спорт клубининг дзюдо бўйича мураббийи
Мамадалиев Шухрат Нематович - Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббийи

Пятаев Владимир Евгеньевич - Яккама-якка кураш бўйича олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича мураббийи

Рузиев Ахромджан Ахмедович - Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

Федоренчик Елена Николаевна - Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида

хизмат кўрсатган спортчи»
Меньков Вадим Юрьевич - Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси
Собилов Ришод Рашидович - Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Тигиев Сослан Вазноевич - «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти спортчи-йўриқчиси
Фокин Антон Викторович - Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани, ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Буюк хизматлари учун»

ордени билан
Таймазов Артур Борисович - «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти спортчи-йўриқчиси

«Меҳнат шухрати»

ордени билан
Абаева Елена Алексеевна - Ўзбекистон терма жамоаси шифокори
Джақиликов Нурлан Ибрагимович - Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббийи
Штурбабин Андрей Анатольевич - Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўлими бош мураббийи

«Шухрат» медали билан

Мансуров Дильшод Исматович - «Ёшлик» кўнгилли спорт жамиятининг мураббийи
Шарипов Мирали Бешимович - Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежининг мураббийи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПЕКИН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН 2008 ЙИЛГИ XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИ ВА ҚАТНАШЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пекин шаҳрида 2008 йилги XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг хизматларини, уларнинг мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга, республикада болалар ва ўсмирлар спортининг оммавийлигини янада ўстиришга қўшган ҳиссасини муносиб баҳолаш, ўсиб келаётган ёш авлод оғинда ўз Ватанидан гуруҳлини ва унга муҳаббат, атоқли спортчиларимизнинг янгидан-янги спорт чўққиларини ишғол қилиш намунасида ибрат олишга интилаш ҳис-туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон ҳомийлари, хўжалик юритувчи субъектлари ва жамоатчилигининг Пекин шаҳридаги XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг голиблари, совриндорлари ва қатнашчиларига бир йўла бериладиган мукофотларни қуйидаги миқдорларда белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

олтин медал соҳибига - 200,0 минг доллар, шу жумладан ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 100,0 минг доллар;

кумуш медал соҳибига - 100,0 минг доллар, шу жумладан ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 50,0 минг доллар; бронза медали соҳибига - 50,0 минг доллар, шу жумладан ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 25,0 минг доллар; бошқа қатнашчи-спортчиларга - ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан 2,0 минг доллардан.

2. Белгилансинки, XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари ва қатнашчилари бўлган спортчиларга пул мукофотлари Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада - жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда банкда очиладиган депозит валюта ҳисобварақларидан солиқлар ундирилмаган ҳолда АҚШ долларларида тўланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой мuddатда, заруратни ҳисобга олган ҳолда, ёзги Олимпиада ўйинларининг совриндорлари бўлган спортчиларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Лондон шаҳрида ўтказиладиган 2012 йилги XXX ёзги Олимпиада ўйинларига спортчиларни тайёрлашни ташкил қилиш ва такомиллаштириш бўйича Республика комиссиясини тусзин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 август

МАРГИЛОН ГИЛАМЛАРИ



Маргилон шаҳридаги «Тўёна» ўзбек-турк қўшма корхонасида 5 хил турда турли ўлчамдаги сифатли гиламлар тайёрланмоқда.

Бугунги кунда маҳсулотларга буюртма берувчи харидорлар кўпайиб бормоқда. Корхонанинг бежирим, сифатли гилам маҳсулотларига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Мазкур қўшма корхона жорий йилнинг биринчи ярмида 65 минг квадрат метр турли ўлчамдаги гиламларни харидорларга етказиб берди.

Айни кунларда корхона ҳудудида янги ишлаб чиқариш биноси қурилиши давом этапти. Бу ерда замонавий компьютерлашган чет эл технологиясини олиб келиш ҳамда шу асосда қўшимча иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда.

Суратларда: Маргилон шаҳридаги «Тўёна» ўзбек-турк қўшма корхонаси ишчиси Муҳайё Турсунова; ишчи Гулнора Мукаррамова иш устида.

Муқимжон Қодиров
(ЎзА) олган суратлар.



Тошкент вилояти

Истиқлол нуридан яшнаган замин

Мустақиллик йиллари том маънода халқимизнинг тарққибёт сари матонат билан интилиш, қурлиши даври бўлди. Қурдошларимиздаги ғайрат-шижоат, эзгу мақсад йўлидаги қатъият туфайли ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олди.

Бунинг инъикоси Тошкент вилояти нисолида ҳам янқол кўзга ташланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярми ҳисоботида бағишланган вилоят фаоллари йиғилишида таъкидланганича, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,2 саноят — 100,2 истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 110,1, қишлоқ хўжалиги — 107,7, чакана товар айланмаси — 120,2 ва пулли хизмат кўрсатиш хизми 119,1 фонди ташкил этди.

Ташқи савдо айланмаси бўйича ҳам ярим йиллик муваффақиятли ақунланди. Бошқача айтганда, бу кўрсаткич 1 млрд. 211,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 717,1 млн. долларни экспорт ва 494,3 млн. долларни импорт ҳиссасига тўғри келди.

ни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш бўйича қўрилаган чоралар вилоят иқтисодиётига қириқтирилган инвестицияларнинг 20,6 фоиз, жумладан, тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестициянинг қарийб 2 баробар ўсишини таъминлади. Масалан, Бука туманида Германиянинг «Dogan GmbH» компанияси билан ҳамкорликда «Dogan Chicken and Eggs» МЧЖ ташкил этилиб, 1 млн. доллардан ортиқ хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Умумий қиймати 10 млн. доллар бўлган мазкур лойиҳа амалга оширилган, 1000 га яқин янги иш ўрни ташкил этилиб, йилига 2700 тонна товуқ гўшти ва 100 млн. донга тухум етказиб берилди. Шунингдек, Қуйичирчиқ туманида «Asia agro alliance» қўшма корхонасининг сутни қайта ишлаш цехини ташкил этиш

лоийҳаси бўйича 658 минг доллар инвестиция жалб этилди. Бекобод туманида эса йилига 20 минг донга гишт ишлаб чиқариш қувватига эга «Jaa! & hov bricks» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасини ташкил этиш ишлари давом этирилмоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларининг вилоятда изчил амалга оширилиши натижасида кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши ўтган йилнинг шу давридаги 30,6 фоиз ўрнига 33,2 фоизга кўпайди.

Вилоятдаги бундай ўзгаришлар иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминламоқда. Зеро, узоқни қўллаб меҳнат қилаётган вилоят ахли кўнглида юрт фаровонлиги, эл тўқинлигига эришидан ўзга ният йўқ.

(Давоми 2-бетда)

Эзгуликка қўйилган ҳайкаллар

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Илҳом Жабборов билан суҳбат



— Илҳомжон, мамлакатимизда монументал санъат асарлари яратишга эътибор катта. Суҳбатимизни шу мавзудан бошласан.

— Мустақиллик, аввало, алоҳида давлат бўлди деган ишончни мустаҳкамлади. Президентимизнинг узоқни кўлаб амалга оширган сиёсати туфайли одамларнинг дунёқараши ўзгарди, юртдан фаришадани туйғуси кучайди. Миллий маданиятимиз ва санъатимиз тараққиёти учун ҳам истиқлол кенг йўл очди. Ижодкорлар меҳнатининг қадрига эришди, ҳақиқий истеъдодларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борисадаги ғамжўрликлар ҳар бир санъаткор қалбига ишонч чирғоғи ёқди. Бу эса ўзига ҳос дурдона асарлар яратиш имконини берди.

Миллий қадриятларимиз тимсоли сифатида маҳобатли ҳайкал ва ёдгорлик мажмуалари бунёд этишга киришилди. Улар халқимиз маънавиятини бойитиб, ёшларга ифтихор бахш этмоқда.

— Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига катта тараддув кўрилмоқда. Пойтахтимиз сўнгги йилларда мислсиз чирой очди. Янги йўللар, ҳийбанлар, замонавий меъморий ансамбллар қад кўтарди. Уларга кўз бўлиб ярашган улкан санъат дур-

доналарини яратишда фаол қатнашмоқдасиз?

— Дунёдаги бирорта ҳам санъат асари ўз-ўзидан яратилмаган. Ҳар бир асар эзгуликка қўйилган ҳайкалдор. Унинг ўз ижодкори, энг муҳими, уни қўллаб-қувватлаб турувчилар бўлган. Бунга тарихда мисоллар кўп. Бехзоднинг Бехзод даражасида кўтарилишида Алишер Навоий, Хусайн Бойқародай мутафаккир шоир ва шоҳларнинг ҳомийлиги сабаб бўлган. Ёки бўлмаса Микеланжелло, Леонардо да Винчиларнинг камолотида ўша давр етуқ кишиларининг кўмағи, қўллаб-қувватлаши муҳим рол ўйнаган. Акс ҳолда Италия жаҳон микёсидаги маданий марказга айланмаган бўларди. Шу маънода оладиган бўлса, мустақиллик йилларида ишлаган, эл-юрт назаарига тушган ҳар бир асарим Президентимизнинг доно маслаҳатлари, ташаббуси, қолаверса, алоҳида раҳнамолиги ва ҳаётбахш гоёлари меваасидир. Яна шуни айтмоқчиманки, бу фидойи зот ташаббуси ва раҳнамолигида юртимизда шундай эзгу ишлар қилинаётгани, улар самарасини бериб, Ватанимиз номи яна тилларда дoston бўлишига шубҳа йўқ.

— Пойтахтимизда соҳибқирон Амир Темур хайкалининг барпо этилиши халқимизнинг узоқ йиллар

топталган миллий гурурини юксалтириш сари қўйилган эзгу қадам бўлди. Улуғ саркарда, дунёга донг таратган жаҳонгир хайкалининг яратишда қайси манбаларга суяндингиз?

— Амир Темурдек бетакрор зотнинг сиймосини тўлақонли акс эттириш катта масъулият талаб қилиши таъин эди. Бунинг учун ҳар қанча ўқиб-ўрганасан ҳам оз. Аммо соҳибқирон сиймосини яратиш, уни халқимизга тақдим қилиш алоҳида фахр-ифтихор, шу билан бирга, катта ишонч эди. Шу ўринда икки воқеани ёдга олсам.

Талабалик давримда, яъни 1970 йилларда Самарқандга борганимда «Шундай шаҳар курган одам қанча инсон бўлган экан?» деган фикр вужудини камраб олганди. Чунки бизга Амир Темурни салбий ҳахрамон сифатида ўргатишган эди-да. «Ёмон бўлса шу даражада улугвор иморатларни бунёд этармиди?!». Шунда англаб етганманки, расом қайси даврда яшамасин, қалб амрига мурожаат қилиб, ўзи ҳис қилган туйғуларни ифода этиши керак.

Ёш бўлсам-да, устахонамга халқимизнинг севимли шоир ва ёзувчилари, санъаткорлари тез-тез келиб туришарди. Учрашувларнинг бирида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шундай деб қолди:

— Илҳомжон, ҳали кўрасиз, Шаҳрисабзда Амир Темур хайкалининг ўрнатилди.

Уша пайтда бу ҳақда гапириш у ёқда турсин, ўйлашнинг ўзи даҳшат эди. Мен бу гапга унча ишонмадим, шоир эса сўзида қаттиқ туриб олди: — Шундай замонар келди, ўшанда кўрасиз.

Истиқлолнинг илк даврларидаёқ Президентимиз келажакка катта ишонч билан



қараб, мустақиллигимиз рамзи сифатида Амир Темур хайкалининг Тошкентнинг қоқ марказидаги боққа ўрнатишга қарор қилди. Хайкални яратиш тафсилотлари ҳақида кўп гапирганимиз, газеталарда ҳам ёзишган. Аммо бир ҳақиқатни айтмасам бўлмайди. Хайкалнинг дастлабки ва-

риантда соҳибқирон қўлида найза тўтган ҳолда тасвирланган эди. Президентимиз бунга эътироз билдириб, «Қўлида найза эмас, отнинг жилвонини тўтгани маъқул» деди ва бунинг рамзий маъносини изоҳлади: «...салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир

Темурнинг қўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини қўлда маҳкам тутиб туришни аналтади». Ана шундай мантқиқ фикр ва гоёлари билан Юртбошимиз Шаҳрисабзда Самарқандда ўрнатилган хайкалларнинг яратилишига ҳам кўмак берди.

— Хотира майдонидаги

«Мотамсаро она» хайкали ижодининг энг ёрқин намуналаридан ҳисобланади.

— Ҳар бир ижодкор, хоҳ расом, хоҳ шоир ёки бастакор бўлсин, муқаддас она образини яратишни албатта мақсад қилади. Бизнинг авлод тақдирини бевоқифа уруш билан боғлиқ. Онам ўн фарзанд туққан. Шундан саккизтаси тирик қолган. Бизни боқаман деб бутун умрини дехқончилик қилиб, мол боқиб ўтказган. Сабзи-пиёз ўтаб, сув тақчил шароитда ер тимдалаб қўллари тўмоққ бўлиб қолган. Шаҳардан уйимизга борганимда қари онамнинг қўллари йўлардим, бизни катта қиламан деб гадир-гадир бўлиб ёрилиб кетган бармоқларини силаб-суйлаблардим. Шундай пайтларда Салтиков-Шчедриннинг ер қовлавериб, ранги ҳам ерга ўхшаб кетган дехқон аёл ҳақидаги ҳикояси ёдимга тушарди. Менинг онам ҳам унга ўхшарди. Аслида барча оналарнинг ўхшаш бир сифати бор: болаларига меҳри. Шу боис мотамсаро она қиёфасида меҳнатқаш, фарзанди деб тиниб-тинмаган, дунёга тинчлик сўраб яшаган оналар образининг асосий ифодаларини онам орқали акс эттирганман. Қолаверса, онамнинг фарзандлари қатори ака-укалари ва ёр-биродарларидан қанчасини уруш ўз қомига тортган. Уларни хотирлаганда жуда маънос тортиб қолса, унинг ҳаётга қарашлари ҳамма эзгуликка йўрилган бўларди. Мотамсаро онанинг рухий ҳолатини акс эттиришни онамнинг шунча айрилиқлардан сўнг ҳам тирик қолган фарзандларини оёққа турғазиб, катта қилгани, аммо ҳамма йўл қараб, жигарғушаларини кутган ҳолатини ифода этганман.

— Оналар — эзгулик

тимсоли. Дунёда фарзандини бағрига босиб эркалаётган битта она бор экан, унинг сиймосида яхшилик ва меҳр-муҳаббат яшайди. Ватанимизнинг бош майдонида «Мустақиллик ва эзгулик» монументининг ўрнатилишида катта маъно мужассам. Ундаги она ва бола хайкалини ишлаётганимизда кўнглингиздан қандай ўйлар кечган?

— Ҳаётда шундай ҳаяжонли, гўзал ҳолатлар бўладики, бундай лаҳзаларни ижодкор кўнгил кузи билан илғаб, қалбига хайкалининг муҳрлаб қўяди.

— Узингиз ўйланг, дунёда боласини бағрига босиб турган бахтиёр онадан гўзал бирор нарсга бўлиши мумкинми?

Ўзбек оналарининг умумлашган образи она қиёфасида намойён бўлган. Монументда акс этган она — Ватан, унинг қўчоғидаги бола эса келажакимиз рамзи. Ер шарини, ундаги Ўзбекистон харитасини юртимизнинг дунё мамлакатлари билан эмин-эркин, тенг ҳуқуқлилик асосида муносабатда бўлиши, герб эса истиқлол нишонасидир.

— Шу кунларда қандай ижодий ишлар бандсиз?

— Яқинда халқимизнинг ардоқли фарзанди, истеодли қўшиқчи, марҳум Дилнур Қодиржонова сиймоси акс этган хайкални тугатдим. Камтарин, ўзбек мақомларини маромига етказиб ижро этган, катта қалб соҳибининг ўлмас сиймосини яратишга ҳаракат қилдим. Албатта, яна бир қатор ишлар билан бандман. Бу ҳозирча сир бўла қолсин.

Амина КОДИРОВА,
Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ



(Боши 1-бетда).

ДЕҲҚОН МУРОДИ — ЭЛ ТЎКИНЛИГИ

Бекобод туманидаги Хос кишлоғида яшोётган фермер Фозилжон Тожиевдан деҳқончиликнинг сири ҳақида сўрасангиз, оддийгина қилиб «ҳамма гап эрининг илгари қандай сўзрилганини билишда» деб жавоб қайтаради. Экин парвариши бўйича ўзининг захматли меҳнати, тажрибаю маҳоратидан гап очиб беради.

Фозилжон ака фидойи инсон. Ҳатто бир марта баҳор пайти дўл ёғиб қолганда тингунча гўзалар ичида турган ва ёғин тугаган захоти ёғ шимариб ишга киришган ҳамда имкониятдан унумли фойдаланиб, экинларига қайта жон ато қилган.

Фермер 170 гектар ерда 40 нафарга яқин аъзоси билан тиним билмайди. Бу йил 100 гектар ерга чигит экишди. Хайриятки, барча қийинчиликлар орта қолди. Ҳозир гўзалар бараб. Шунингдек, ғаллачиликда ҳам ҳужалик аъзоларининг юзи ёрғ бўлди. 70 гектар ердан 170 тонна дон олинди.

— Ҳаммамиз бир тану бир жонимиз, — дейди фермер. — Нима оғирлик бўлса, биргалликда кўтарамиз. Битта «Класс» комбайнини, икита «Беларус», битта «Олтой» тракторим бор. Яна учта енгил машина соҳибман.

Ҳужалик аъзолари — унинг қаноти. У ҳам, ўз навабига, ишчиларидан кўмагини аймайди. Ғалла йиғиштириб олинган, қолғичдан тортиб

тракторчига бугдой улашди. Кимки тўй қилса, бир томонини кўтаради.

Тошкент вилоятида Фозилжон ака каби фермерлар кўп. Улар эрининг ҳақиқий эгалари. Жорий йилнинг биринчи ярмида 354 та фермер хўжалигига асос солинди. Уларнинг сони ҳозир 20.221 тага етган. Шундан 19.045 таси деҳқончилик, 1118 таси эса қорвачилик, 58 таси балкичилик соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Фермер хўжаликларидан ишловчилар сони ўтган йилга нисбатан 15,2 минг нафарга кўпайди. Ҳозирги кунда ҳар бир фермерга ўртача 21,7 гектар ер тўғри келмоқда.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимиз металлур-

гия саноати ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тилга олинади. Улкан салоҳиятга эга бу корхонада ишлаб чиқариш суръати ва кўламини янада ошириш йўлида тинимсиз иланишлар давом эттириляпти. Сўнгги бир йилда ишлаб чиқаришни модернизациялашга қаратилган 12 та йирик ташкилий-техникавий тадбир амалга оширилган бунга аққол мисолдир. Таъкидлашга лойиқ жиҳати шунки, бу ерда 2 ва 8 миллиметри пўлат симлар ва пайвандлаш электродлари ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Шу билан бирга, ўзгарувчан кесимли симларни ишлаб чиқариш бўйича тайёргарлик

кўриляпти.

Иш уч менада олиб борилмоқда. Бу кўлаб қўшимча иш ўрни пайдо бўлишига замин яратди. Ишчиларнинг аксарияти ёшлар.

— Илгари қурилиш электродлари асосан хориздан сотиб олинарди, — дейди ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи Тоҳир Мирзаев. — Янги қувватнинг ишга туширилиши мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтирарди.

Ҳозир бир неча турдаги электродлар ишлаб чиқарилмоқда. Дастлабки кезлар ойига 8-10 тонна маҳсулот тайёрланган бўлса, энди бу кўрсаткич кескин ошди. Айни чоғда республикамизнинг турли худудларига амалга ошириляётган қурилишларга кўп миқдорда маҳсулот етказиб бериляпти.

Йил бошида Туркменистонда бўлиб ўтган халқаро ярмаркада илк бор намойиш этилган Бекобод электродлари хорлиқларининг эътиро-

фига сазовор бўлди. Бундан ташқари, ушбу маҳсулотнинг мукамил турини яратиш борасида иш олиб боришда 2-навали пўлат цехида энергия тежадиди технология асосида арматура ишлаб чиқариш йўлига қўйилганлиги ҳам корхонанинг ютуқларидан биридир.

ИШЛИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бандлик масаласи аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада вилоятда кўп ишлар қилинапти. Биринчи ярим йилликда 29.888 та иш ўрни яратилган. Айниқса, қасаначиликни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар диққатга сазовордир. Чунки, жорий йил учун тасдиқланган дастури қура, меҳнат шартномаси асосида 8799 та қасаначилик иш ўрни яратилиши белгиланган. Ярим йиллик режаси эса 118 фойза бажарилган. Жумладан, Олмалик кон-металлургия комбинати ҳозирги кунда 350 та қасаначи билан ҳамкорлик қилади. Улар хомашини қадқоқлаш, темир-бетон маҳсулотлари ва конструкциялари қуйиш, двигател, меҳнат ва унинг бутловчи қисмларини таъмирлаш билан шуғулланиди. Қасаначилар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми қарийб 475 млн. сўмга тенг.

Шунингдек, 308 та савдо, 35 та умумий овқатланиш, 283 та маънавий қўллаб-қувватлаш шохобчаси ишга туширилган ҳам бандлик масаласини ҳал қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

ТУҲФА

Вилоят ақша мустақилликнинг 17 йиллик байрамидан тилга олса арзигулик туҳфалар билан қарши олмақда. Жумладан, Олмаликда 2 та, Бекободда 2 та савдо мажмуаси ва гўшт-сут сотиш павильони, қатор маънавий қўллаб-қувватлашга эътибор кучайди. Олти ойда вилоятда бу бора-

тиш пунктлари, Янгийўлда ёш оилалар учун 32 хонадондан иборат уй, Чирчиқда вилоят шохлиқ тиббий ёрдам марказининг филиали, Оққўрғон туманида «Мирфайз-сервис» гишт заводи, Бустонликда 6 та савдо мажмуаси ва қатор маънавий ва қатор маънавий пунктлари, Тошкент туманида соғломлаштириш мажмуаси ва бир неча савдо, овқатланиш иншоотлари, Юкори-чирчиқ туманида 5 та шарбат ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Ангрёнда 4 та мактаб ва кимё саноати коллежи, Бекободда маънавий хизмат касб-хунар коллежи, Олмаликда 3 та мактаб ва кон-металлургия касб-хунар коллежи, Чирчиқда тиббиёт коллежи ва 2 та мактабнинг фойдаланишга топширилиши янги ўқув йилида ёшларга чиқарма совға бўлади.

ТЎЙГА МАРҲАМАТ

«Ёшлар йили» давлат дастури доирасида ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга эътибор кучайди. Олти ойда вилоятда бу бора-

да қатор тадбирлар амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга 72 млрд. 856 млн. сўм сарфлангани фикримиз исботидир. Банкар томонидан бу вақтда 3866 та оилага

— Яқинда уйларига борсам, хоналар янги мебола билан тўла. Икки ёш келишиб, банкдан кредит олиб, уй жиҳозларни харид қилишибди. Ёшларга шундай имконият берганларга минг раҳмат.

Филиалдан кредит олаётган ёшлар кўп экан. Хуосан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бу йил 5 млн. сўм миқдорда истеъмол кредити, 4,5 млн. сўмлик микрокредит ажратилди. Бундан ташқари, аҳолига умумий шартлар асосида 30 млн. сўмлик ипотека кредити, 4,6 млн. сўмлик истеъмол кредити берилди. Шуниси эътирофга лойиқ, филиал томонидан ипотека кредити бериши қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан бу йил 2 та ёш оилага 25 млн. сўм кредит ажратилди. Бунинг учун аввало ушбу имтиёзли кредитдан фойдаланиш истигадига бўлган оилалардаги ҳақиқий аҳвол ўрганилди. Умуман олганда, 11 та ёш оила банкнинг ипотека кредитидан баҳраманд бўлди.

Каерда иш яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда чарқоч нима эканлиги унутилади, гайрат-шижоат оти янги манзилларни забт этишга ҳозир туради. Мамлакатимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам ана шу кўтаринчилик кўзларга нур, дилларга масрурлик бағишламоқда.

Бобоқалонларимиз бундай саодатни асрлар оша оруз қилишган эди, мана бунинг у бизга насиб этиб турбди. Иншооллоҳ, фарзандларимизнинг толеи бундан баҳраманд бўлғай.

Зайниддин РИХСИЕВ,
Тўлкин ШЕРНАЕВ,
«Ishonch» муҳбирлари



ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Фидойи халқимизни ва соҳа ходимларини Истиқлолнинг 17 йиллиги билан қизғин кутлайди. Энг улуғ байрамимиз жаннатмакон юртимизнинг ҳар бир хонадонига, яхши ниятли ҳар бир қалбга шоду хуррамлик, яхши кайфият бахш этсин! Меҳру оқибат ва омонлик ҳеч биримизни тарк этмасин!



Модернизация

Мамлакат табиий газининг 88, нефтининг эса 93 фоизи қазиб олинadиган Қашқадарёда истиқлол йиллари бунёд этилган Шўртан газ-кимё мажмуаси, Талимаржон иссиқлик электр станцияси, «Кўкдумалоқгаз», «Хисорнефтьгаз», шунингдек «Муборакнефтьгаз», «Шўртангаз», Муборак газни қайта ишлаш заводи каби йирик sanoat корхоналари иқтисодий тараққиётга катта ҳисса қўшмоқда.

Вилоятда ёқилғи-энергетика sanoatини янада ривожлантириш учун 2008-2010 йиллар мобайнида 3 триллион 761 миллион сўм миқдорда инвестиция маблағлари жалб этилади. Қабул қилинган дастурга мувофиқ 83 та қурилиш материаллари тайёрлайдиган, 27 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, йилга 200 минг тонна маъданли ўғитлар ишлаб чиқарадиган Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи сингари йирик мажмуалар фойдаланишга топширилади.

— Мамлакатни модернизация қилиш борасида олиб борилаётган ишлар корхоналарнинг оёққа туриб, ялпи маҳсулотнинг кўпайишини

таъминламоқда, — дейди вилоят иқтисодий бошқармаси бошлиғи Х. Солиев. — Хусусан, ишлаб чиқаришда инвестиция лойиҳасининг дадил жорий этилаётганлиги ижобий самара бермоқда.

Дарҳақиқат, вилоятда корхоналарни иқтисодий соғломлаштириш учун йил давомида 11 миллиард 632 миллион сўм маблағ сарфланди. Модернизация жараёнида эса бу ўз самарасини берапти. Санация ҳола-

тига тушиб қолган «Давртемирбетонсервис» очиқ ҳиссадорлик жамиятида 3 миллиард 83 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 145 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда 50 минг кубометр темир-бетон конструкциялари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

«Узгеобургунефтьгаз» акционерлик компаниясига инвестиция дастури асосида Хитой нефть корпорациясидан олиб келинган янги бургулаш ускуналари Кўкдумалоқ, Турсари, Сечанкул, Чўлқувар конларида муваффақиятли ишлатилаяпти. Йил охирига қадар 3600 метргача чуқурликдаги кудуқларни қавлайдиган ускуналардан яна 12 таси келтирилади. Янги технология хар бир кудуқда 45 иш куни ва 800-850 миллион сўм ка-

питал маблағни тежаш имконини беради.

Хориждан энг замонавий технологияларни олиб келиб, ишлаб чиқариш қувватларини тобора кенгайтиришга эришаётган «ЭАУСС Якабогтекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси чет элга экспорт қилинаётган маҳсулот ҳажмини ошириб,

Бешкентдаги «Қарширадиатор» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида технологик қайта қуриш жадал жавом этмоқда. Бу ерда йилга 20 минг дона радиаторларни таъмирлайдиган ва эҳтиёт қисмлар тайёрлайдиган янги технология ўзлаштирилди. Ишлаб топилган даромадларнинг 18 миллион

сўми пластилин тайёрлаш цехига замонавий ускуна олиш учун ажратилиб, 15 та кўшимча иш ўрни вужудга келтирилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида 398 миллион сўм тежаб қолинган та йигирув машинаси харид қилинади. 2010 йилгача эса корхона негизда нефақат ип-калава, балки трикотаж мато ишлаб чиқариш, ушбу матога ранг ва безак беришга ихтисослашган тўқимачилик мажмуаси ҳам ишга тушади.

«Дунё-М» очиқ ҳиссадорлик жамиятида аралаш озуқа тайёрлайдиган ускуналар Голландиядан келтирилган, йиллик маҳсулот миқдори 50

минг тоннадан 112 минг тоннага кўпайди. Ишлаб чиқаришга 1 миллиард 431,1 миллион сўм инвестиция киритилиб, 20 та янги иш ўрни яратилди.

Тадбиркорлик субъектларида ҳам инвестиция лойиҳалари кенг қўлланилаяпти. Қарши шаҳридаги «Софан», «Ал Мамат», Қамашидаги

«Саллиева Муҳаббат Беккаевна», Нишондаги «Эски Нишон нон» сингари хусусий корхоналарда юқори сифатли нон, булочка ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шаҳрисабз туманидаги «Ёғ-пишлоқ» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ўн турдаги қадокланган сут маҳсулотлари, Қарши туманидаги якка тадбиркор Раҳмат Номозовнинг қандолатчилик цехида мазали конфетлар ишлаб чиқариш учун кўшимча уску-

налар ўрнатилди.

Жорий йилда корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуриш учун вилоятнинг ички захирасидан 860,7 миллион сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган. Жумладан, Касби туманидаги «Юрт rischi» очиқ акциядорлик жамиятини қайтадан таъмирлаш учун 40 миллион сўм маблағ сарфланиб, янги чорвачилик мажмуаси вужудга келтирилди. Шунингдек, «Ал-Саид» хусусий корхонаси, «Қарши-мебел» ҳиссадорлик жамиятида ҳам ёруғ келажакни кўзлаб қилинган шундай технологик ислохотларни ўтказиш режалаштирилмоқда.

Модернизация — узлуксиз жараён. Бир сўз билан айтганда, хорижий ва маҳаллий инвестициялар жорий этилаётганлигидан мақсад эса воҳа иқтисодийтини янада кўтариш, ишлаб чиқариш ва хизматлар даражасини юксалтириш билан бирга самарали бошқарув тизимини ташкил этишдир.

Изаат ХИКМАТОВ,
«Ishonch» муҳбири

ИҚТИСОДИЁТ ЛОКОМОТИВИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРҒЕТИКА КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бунёдкор халқимизни буюк Истиқлолнинг 17
йиллиги билан самимий кутлайди!

Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада
юксалтириш, шон-шухратини бундан-да ошириш,
эл-юрт ободлиги йўлидаги улкан ишларингизда
муваффақият ва зафар ёр бўлсин.

Барчангизга бахт-омад, оилавий тотувлик, сиҳат-
саломатлик тилаймиз!



«Зомин санаторийси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

**Барча юртдошларимиз ва соҳа
ходимларини Истиқлол айёми билан
муборақбоғ этағи ҳамда ушбу
сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга
таклиф қилади.**

Санаториймизга хуш келибсиз!



Манзилимиз: Жиззах вилояти, Зомин тумани.
Телефон: 8(372) 3921096, 2210010.

Санаторий Жиззах вилоятидаги иқлимий курорт. У Туркистон тоғ тизмасининг шимолий этакларида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда, қўриқхона ҳудудида жойлашган. Чиройли тоғ манзаралари, мусаффо ҳаво, беназир кўёш нурлари, ультрабинафша радиациянинг юқорилиги иқлимий-профилактик ва терапевтик муолажалар ўтказишга қулай. Даволаш учун кўрсатмалар: нафас олиш аъзолари ва нерв тизими касалликлари (функционал). Сиҳатгоҳ замонавий даволаш-ташхис аппаратлари билан жиҳозланган. Бу ерда «Она ва бола» бўлими ташкил қилинган. Асосий даволаш омили тоғ иқлимидир. Бундан ташқари, сув (сунъий марваридли, йод-бромли, игна баргли ванналар, душлар, сув ҳавзаси), физиотерапевтик даволаш, бадантарбия, терренкур, уқалаш, сауна ҳамда бронхиал астмали беморларни даволаш учун галокамерадан фойдаланилади. Ётоқ биноси шинам, бир ва икки ўринли хоналардан ташкил топган. Санаторийда клуб, кутубхона, бар, болалар учун аттракционлари бўлган ўйин хоналари, спорт майдончалари мавжуд. Экскурсиялар ташкил қилинади.



«ЧИНОБОД САНАТОРИЙСИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ


Санаторий Тошкент шаҳридаги бальнеологик курорт маскани ҳисобланади. Даволаниш учун кўрсатмалар: овқат ҳазм қилиш ва гинекологик касалликлар, қандли диабет. Асосий даво омиллари: Тошкент артезиан ҳовузининг (+51 даража) маъданли суви, хлорид-гидрокарбонатли натрийли сувлари, Балиқли қўлининг балчиғи. Сиҳатгоҳда зарур ташхис ва даволаш хоналари мавжуд. Маъданли сувдан ванналар, ичакни чайиш, меъдани ювиш, дуоденал дренажлар учун, даво ичимлиги сифатида фойдаланилади. Парафин-озокерит билан муолажалар, сув остида душ-массаж қилинади. Табиий даволаш омилларидан ташқари физиотерапия, уқалаш, даволаш жисмоний тарбияси амалга оширилади. Парҳез овқатлар берилди. Ётоқ бинолари шинам қилиб безатилган, барча қулайликларга эга, бир-икки кишилик хоналардан иборат. Кино зали бўлган клуб, кутубхона, спорт майдончалари бор. Экскурсиялар ташкил этилади. Санаторий ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Мамлакатимиз фуқароларини ва барча касбдошларни
Истиқлол байрами билан кутлайди ҳамда
мазкур сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга чорлайди.



**Санаториймизга
хуш келибсиз!**

Манзилимиз: Тошкент шаҳри,
О.Зокиров кўчаси, 88-уй.
Телефон: 212 29 12.



Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

**Барча юрtdошларимизни мамлакатимиз
мустақиллигининг 17 йиллиги билан
самимий қутлайди:**
**Қалби эгнидаги кийимидек оқ
олижаноб касб эгаларига узок умр;
сиҳат-саломатлик, фаровон ҳаёт;
оилавий тотувлик, юксак бахт-саодат
тилаймиз:**
**Ҳаётингиз ҳаминша нурларга тўлсин,
азиз соғлиқ, посбонлари!**

Кўшма корхона ва касабаси уюшмаси ташкилоти

Бешкентдаги «Қарширадиатор» Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси ташкил топганига йигирма йилдан ошди. Мамлакатимизда биринчилар қаторида чет эл инвестицияси киритилган ушбу жамоа ривожланишининг ойдин йўлига ўтиб, иқтисодий қудратини мустаҳкамлаб олди.

Эллик нафар ходим ишлаётган корхонада ҳар йили 2 мингдан зиёд радиатор тайёрланмоқда. Яқинда йилига радиаторлар учун 5 тоннагача полиамид тайёрлайдиган ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган янги технология ўзлаштирилиб, 15 та кўшимча ишчи ўрни яратилди. Ишлаб чиқаришда эришилаётган муваффақиятларда маъмурият билан ижтимоий шерикчилик асосида фаолият юритаётган касабаси уюшмаси кўмитасининг муносиб улуши бор, албатта.

— Касабаси уюшмаси ташкилоти корхона ташкил топган дастлабки кунлардан бошлаб фаолият юртиб келмоқда, — дейди корхона раҳбари Райим Кодиров. — Касабаси уюшмаси раиси Ориф Раҳимов ташкилотчи ва ташаббускор, ишчи-ходимлар манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, талабчан инсон.

Мулк шакли ўзгариб бораётган, иқтисодиёт тармоқларига чет эл сармоялари кириб келаётган бир пайтда касабаси уюшмаси ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилади.

— Ҳар бир ишчи-хизматчи корхонадаги касабаси уюшмаси ташкилоти билан кизиқишига, унинг фаолиятига жалб этилиши ва фаол қатнашишига қандай эришиш мумкин, деган саволимизга касабаси уюшмаси раиси қуйдагича жавоб берди:

Белгиланган имтиёзлар бўйича зарарли шароитда ишлаётганларга 800 минг сўмлик сўт ва сўт маҳсулотлари берилди. Махсус кийим-бош ва шахсий химоя воситаларига 2 миллион сўм сарфланди. Бир йилда ходимлар 3 миллион 800 минг сўм микдори-

ҳақининг беш баробари микдорида рағбатлантирилди.


Бу юртмаларни аҳоли даражада, юқори сифатли бажарган ходимларнинг уртача ойлик иш ҳақи 400 минг сўмгача етмоқда.

Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Улар йил бўйи бепул иссиқ овқат билан таъминланади. Бундан ташқари, олинган фойдадан Бешкент шаҳрининг Ровот маҳалласида яшовчи ўнга

ган корхонамизга янги технологияларни олиб кириш режалаштирилган.

Касабаси уюшмаси иштирокида ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми мустаҳкамланмоқда. Ҳар бир ходимнинг маҳсулот сифати учун масъулияти ошмоқда. Корхона жамоаси Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг буюртмаларини ҳам бажаришяпти.

ХОДИМ МАНФААТИ УСТУВОР



да рағбатлантирилди. Ишчиларнинг туғилган куни олдидан 1 миллион, тўй ва маъракалар ўтказганларга 600 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Яқин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

— Жорий йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 911 миллион сўмга етади, — дейди биз билан суҳбатда ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Чоршанба Сувонов. — Ички ёниқ двигателлар учун совутиш радиаторлари ишлаб чиқарадиган республикада ягона ҳисоблан-

— Ҳар бир ходим манфаати устувор, — дейди касабаси раиси. — Демак, кўшма корхоналардаги касабаси уюшмаси ташкилотлари ҳам иш берувчилар билан ҳамкорликда ходимлар иш ва турмуш даражасини яхшилаш, моддий манфаатдорлигини оширишга даъват этилган.

И. ИСОМИДДИНОВ

Давр билан ҳамроҳанг

КўРСАТИЛГАН КўМАК янги технологияларга сарфланмоқда

Давримиз мўъжизакор техникалар асрига айланди. Бугун эски андоза ҳеч қимми қониктирмайяпти. Ана шундай шароитда ишлаш, давр чақирғига ҳамроҳанг бўлиш ҳар бир фуқаро истаги.

Шукурки, эркин, изланиб ишлаш учун юртимизда барча шарт-шароит бор. Айниқса, Ёшлар йилида вилоятимизда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тижорат банклари томонидан 978 та лойиҳа бўйича жами 24 миллиард 82,1 миллион сўм микдорида кредит ажратилди. Тадбиркорларимиз кўрсатилган кўмакни, саноат, қишлоқ ҳўжалик, савдо ва воситачиликни тараққиёт ва янги технологиялар олиб киришга сарфлашяпти. Эътиборли жиҳати шу тариқа 1060 та янги иш ўринлари яратилди.

Кейинги икки йил мобайнида хорижий инвестицияларни жалб қилишда амалий натижаларга эришилди. Биргина Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган 7 та лойиҳа дастурга киритилган бўлиб, Пастдарғом туман Жума шаҳридаги «Нафосат» кўп тармоқли кичик корхонаси, Самарқанд шаҳридаги «Паримпекс» корхоналарига асос солинди. Уларда замонавий технологияларни ўрнатилиши ишлари поёнига етказилмоқда.

Инсонга наф келтиришни ўзига шиор қилиб олган касабаси уюш-

малари нодавлат секторидида ишлаб чиқариш манфаатини химоялаш, уларга шарт-шароит яратиш борасида тинмай изланмоқда. Шу чоққача ҳудуддаги 260 та нодавлат сектори шаклида фаолият юритаётган корхоналар билан меъёрий ҳужжатлар имзоланди. Ҳар бир корхонада бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари тузилган. Мазкур тармоқда меҳнат қилаётган 11583 нафар ходимлар касабаси уюшмалари химоясига олинган. Уларга хавфсиз иш шароити яратилиб, дам олиши, саломатликларини муҳофазалаш кафолатланган. Касабаси уюшмаси аъзолари сонини ўстириш, аъзо ташкилотлар салмоғини кўпайтириш билан мутассил шуғуллана-ямиз. Утган даврда касабаси уюшмаси билан алоқа боғланганлар сонини ўсди. Нодавлат сектордаги 32 та ташкилотни ўз сафимизга қўрдик. У ерда меҳнат қилаётган 2155 нафар ходим жамоа шартномаси афзалликларидан баҳраманд бўлаёпти.

Тизимдаги 29 та ташкилотда ишлаётган 836 нафар аёлларнинг иш соати ҳақ тўлаш сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилган. Шунингдек, тасарруфдаги «Юлдузча» ёзи дам олиш бола-

лар оромгоҳи ободонлаштирилди. Оромгоҳни таъмирлашга 60 миллион сўм, янги жиҳозлар ва ускуналар харид қилишга 10 миллион сўм микдорида маблағ сарфланди. Бу ерда меҳнаткашларнинг 240 нафар фарзандлари соғломлаштирилди.

Ёшлар йили муносибати билан ишчи-ходимларнинг олийоҳларда таҳсил олаётган фарзандлари учун ташкилот томонидан шартнома маблағлари тўлаб борилаёпти. Амалдаги йилда 5 та кам таъминланган хонадоннинг талаба фарзандлари бундай имтиёзга эга бўлишди. «ALJ Самарқанд» концернда савобли хайрли ишлар жуда кўп. Корхона келажгимиз ворислари учун гамхўр. Ёшлар йилида ёш оилалар учун Самарқанд шаҳрида 2 та 4 қаватли, 32-хонадонга мўлжалланган уй қурилиши амалга оширилмоқда. Каттақўрғон шаҳрида ҳам худди шундай уй қуриш давом эттириляпти. Бир сўз билан айтганда 64 хонадон имтиёзли янги уй сохибларига айланишади.

Фарида АХАТОВА,
Ўзбекистон савдо, матлубот
кооперацияси ходимлари ва
тадбиркорлар касабаси
уюшмаси Марказий
кенгашининг Самарқанд
вилояти бўйича вакили

этилни. Энг қувончлиси, қишлоқ ёшларидан 14 нафари доимий иш ўринларига эга бўлдилар.

— Қаҳрамоннинг бу хайрли ишларидан беҳад хурсанд бўлдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Хадичагон Ғофурова. — Эл юртга манфаати тегадиган ана шундай ишбилармонлар кўпаяверсин.

Анорбий НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг
жамоатчи мухбири

Кредит эвазига

Янги иш ўринлари

«Истиқлол» маҳалласидаги бу иншоот дастлаб савдо ташкилотига қарашли эди. Кейинги йилларда ташландиқ бинога айланди. Бинонинг қимми ошди савдосига қўйилганлигини эсиган ёш тадбиркор Қаҳрамон

Эсиргапов уни сотиб олди. Тадбиркор «Пахта банк»нинг Ховос туман бўлимидан йигирма миллион сўм кредит олиб, бинони сифатли таъмирлади. Қисқа фурсатда замонавий қиёфага эга бўлган бинода «Истиқ-

лол гузари» хусусий корхонаси ташкил этилди. Гузарнинг ишга тушиши маҳалла аҳлига катта қулайликлар яратди. Тикувчилик, гўзаллик саломи, дорихона, савдо дўкони, новвойхона ташкил

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «ҒАЛЛАБАНК» ЖАМОАСИ

Юрtdошларимизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллиги билан муборакбод этиб,

барча турдаги тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи пластик карточкаларини;

қулай, тезкор ва тежамли

«Банк-мижоз» автоматлаштирилган дастурий ҳисоб-китоблар усулини;

замонавий алоқа воситалари асосида ўз ҳисоб-варақлари ҳолати, айланмалари тўғрисида тез ва тўлиқ маълумотлар олиш имконини берадиган «SMS-banking» хизматини таклиф этади.

Маълумот учун тел:
233-98-80, 232-16-55
www.gallabank.com

**«Ғаллабанк» хонадонингизга
барака келтирсин!**

АНДИЖОН ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ



Ўзбекистон халқини энг улуғ ва энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг 17 йиллиги билан қизгин табриклайди. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳамда юртимиз равнақи учун фидокорона меҳнат қилаётган меҳнаткашларга, ишчи-хизматчилар манфаатларини муҳофазалаш йўлида жон куйдираётган барча касаба уюшмалари фаолларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилаларига қут-барака, тўкин дастурхон тилайди.

**Юртимиз обод, осмонимиз тинч,
мустақиллигимиз абадий бўлсин!**



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ

Мамлакатимиз фуқароларини Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами билан муборакбод этади. Улуғ айём кунларида барганимизга узок умр, бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Оилавий фаровонлик, тинч-тошувлик, бахтиёр кунлар ҳамроҳини бўлсин!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ



Барча юрtdошларимизни Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Ушбу қувончли кунларда жонажон юртимизга тинчлик, Сиз азизларга хотиржамлик ва саломатлик, оилавий бахт ҳамда муваффақиятлар тилайди!

Пекин-2008

ПЕКИНДА ДУНЁ СПОРТ АНЖУМАНИ ЯКУНЛАНДИ

Миллионлаб спорт ишчибозларини ҳаяжонга солган 29-эги Олимпия уйинлари ҳам поёнига етди. Сайёрамизнинг 204 та давлати спортчилари ягона мақсад бўлиди, дўстлик, тинчлик ва спорт муштараклигида бир-биридан қизиқарли бахсларда иштирок этишди.

Яқинда Ўз мустақиллигининг 17 йиллик тўйини нишонлайдиган Ўзбекистон ҳам мазкур бахдан бенасиб қолмади. Спортчиларимиз 6 та медал соҳиб бўлишди. Ҳамюртимиз, эркин курашчи Артур Таймазов шохшундан энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, Сослан Тигиев, дзюдо устаси Абдулла Тангриев кумуш медал соҳибига айланди.

Терма жамоамиз 204 та мамлакат жамоалари орасида 40-поғонадан жой олди. Ваҳоланки, атиги 87 та давлат вакиллари медалларга эгалик қилиш бахтига сазовор бўлган.

Куйида ушбу жадвални эътиборингизга ҳавола этамиз.

Table with 5 columns: Урин, Давлат, Олтин, Кумуш, Бронза, Жами. Lists medal counts for various countries like Хитой, АКШ, Россия, Буюкбритания, Германия, Австралия, Жапон, Япония, Италия, Франция, Украина, Голландия, Ямайка, Испания, Кения, Беларус, Руминия, Эфиопия, Канада, Польша, Венгрия, Норвегия, Бразилия, Чехия, Словакия, Янги Зеландия, Грузия, Куба, Қозоғистон, Дания, Мўғулистон, Таиланд, КХДР, Аргентина, Швейцария, Мексика, Туркия, Зимбабве, Озарбайжон, Ўзбекистон, Словения, Болгария, Индонезия, Финляндия, Латвия, Бельгия, Доминикан, Португалия, Эстония, Хиндистон, Эрон, Бахрайн, Камерун, Панама, Тунис, Швеция, Литва, Хорватия, Греция, Тринидад ва Тобаго, Нигерия, Австрия, Ирландия, Сербия, Жазоир, Багама, Киргизистон, Колумбия, Марокаш, Тожикистон, Ветнам, Исландия, Малайзия, Сингапур, Судан, Чили, Эквадор, ЖАР, Арманистон, Хитой Тайпейи, Афғонистон, Венесуэла, Миср, Исроил, Маврикий, Молдова, Того.

Хотира турнири

«ЖУМОНГ» БАҒДОДГА КЕЛДИ

Бағдодда шундай оила бор... Деҳқононлар оиласи. Саидҳамад, Муҳаммадҷон, Маҳмудали Деҳқононларни нафақат туманда, балки вилоятда ҳам яхши билишди. Ака-укалар томонидан «Аброр» кўп тармоқли хусусий фирмасининг ташкил қилиниши орқали кўплаб иш ўринлари яратилди. Фирма томонидан ишлаб чиқариладиган мебел маҳсулотлари, ўқув мусасалари учун стол-стуллар бутун республикамиз бўйлаб сотиб олина болади.

Бироқ 2006 йилда ака-укаларнинг кичиги Маҳмудали 42 ёшида ҳаётдан эрта кўз юмди. М.Деҳқононнинг эзгу ишлари халқнинг тилида, Фарзандлари Рустамжон, Шухратжон, Сардоржонлар ўқиб-ўрганиб, мустақил диреримиз учун муносиб бўлишга, отасининг эзгу амалларини давом эттириш-



данийат ва истироҳат боғида Маҳмудали Деҳқонон хотирасига бағишланган биринчи халқаро турнир ташкил этилди. Тожикистон, Қирғизистон, Жанубий Корея республикаларидан, Фарғонанинг барча туманларидан ҳамда вилоятларимиздан ташриф буюрган жамоалар вакилла-

да. Ўзбекистондаги белбоғли олиш курашининг тарихи узок йилларга бориб тақалса-да, спорт тури ривожига бўлган эътибор кейинги йилларда анча кучайганини кузатиш мумкин. Тошкент вилоятининг Паркент ва Пискент туманларидаги йирик хотира турнирлари бир неча йилки, юқори савияда ташкил этиляпти. Энди бу мусобақлар сафида Маҳмудали Деҳқонон турнири ҳам бор. Мазкур мусобақа улғу байрам арафасида маҳаллий аҳоли ва спортчилар учун ҳақиқий тўхфа бўлди. Айниқса, турнирга узок Шарқдан полвонларнинг келиши бахсларни қизитди. Аслида, корейлик мөҳмонлар маҳаллий сирим кураши бўйича етакчи спортчи ва мураббийлар эди. Жамоа сирим курашини тарғибот қилиш ҳамда белбоғли олиш кураши мусобақасида омадларини синаб кўришни мақсад қилганди. Хотира турнирининг тантанали очилиш маросимидан сўнг корейлик алплар сирим кураши бўйича кўргазмали чиқишлар намойиш этишди, усуллар йиғилганларда илқ таассурот қолдирди. Буни мухлисларнинг олқишларидан ҳам билиш мумкин эди. Сўнгра корейск полвонлари Кон Дон Ху ва И Хонг Хи сирим бўйича беллашди. Мухлислар иккига бўлиниб, мөҳмонларни олқишлаб туришди. Сирим усталарининг бахсидан сўнг белбоғли олиш кураши мусобақалари давом


эттирилди. Энди корейлик полвонлар бизнинг кураш бўйича бахсларга кўшилиши. Бири 90 кг.гача, иккинчиси +90 кг вазн тоифаларида бел олишиб, ҳатто биттадан рақибни йиқитишга ҳам улғуришди. Маҳаллий аҳоли уларнинг ҳаракатларини олқишлаб турди: «Ҳа, Жумонг! Буш келма, биз сен тараф!».

Шундай қилиб, Мухридин Нигматов (Бағдод) 60 кг, Жамол Бурхонов (Жиззах) 66 кг, Исом Эғамов (Пискент) 73 кг, Фолиб Имомов (Паркент) 81 кг, Абдулла Орипов (Наманган) 90 кг,

«Жумонг» лақабини олган Кон Дон Ху (90 кг) қашқадарёлик Азиз Эшимовга, «Гунбок» аталган И Хонг Хи (+90 кг) эса бувайдалик Бахтиёр Турғуновга имкониятни бой берди. Ўзбек полвонлари кучли рақибни чирпирак қилиб кўтариб урди.

Шундай қилиб, Мухридин Нигматов (Бағдод) 60 кг, Жамол Бурхонов (Жиззах) 66 кг, Исом Эғамов (Пискент) 73 кг, Фолиб Имомов (Паркент) 81 кг, Абдулла Орипов (Наманган) 90 кг,

Бахтиёр Турғунов (Бавайда) +90 кг вазн тоифаларида мусобақа фолиби бўлиши. Бундан ташқари, қизлар ҳам бир неча вазнларда гиламга чиқишди. Бахсларда Бағдоддаги 1-сонли БЎСМ ва Фарғона вилояти миллий халқ ўйинлари спорт мактаби тарбияланувчилари бўлган Барчинойлар юқори натижалар қайд этишди. Андижоннинг Балиқчи туманидан ташриф буюрган «Сута-



кўзи» қизиқчилар гуруҳи ўз дастурлари билан йиғилганларга байрамона хуш кайфият улашди. Мусобақанинг иккинчи кунини белбоғли олиш курашининг классик, яъни чалишисиз йўналиши бўйича фолиблар аниқланди. Фолиб ва совриндорларга олтин, кумуш, бронза медаллари, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Спорт

САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси инсон саломатлигининг бош омили ҳисобланган спортни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Жойларда спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар уюштириляпти. Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб Наманган шаҳридаги «Спартак» стадиониде ташкил этилган «Саломатлик» спартакиадаси ҳам шулар жумласидандир. 20 дан ортик корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган ходимлар ўртасида спортнинг 7 тури бўйича мусобақа ўтказилди. Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра умумжамоа ҳисобиде биринчи ўринни Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши вакиллари, иккинчи ўринни Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари эгаллади. Учинчи ўрин эса Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вилоят кенгаши вакилларига насиб этди. Фолиблар бирлашманинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» муҳбири

Футбол

МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА...

2010 йилги Ҳаҳон чемпиони 4-саралаш босқичига тайёргарликни бошлаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси дастлабки ўртоқлик учрашувини Маскат шаҳрида Уммон терма жамоасига қарши ўтказиб, 0:2 ҳисобиде ютказди. Шу кунини куйидаги футболчиларимиз майдонга тушган: Игнатий Нестеров, Алексей Николаев, Бахтиёр Ашурматов (сардор), Хайрулло Каримов, Анвар Ғофуров (Афзал Азизов), Анзур Исмоилов (Ҳикмат Ҳошимов), Элдор Мағдеев (Зайниддин Тожиёв), Одил Аҳмедов, Азиз Хайдаров, Павел Соломин (Саҳоб Жўраёв), Улуғбек Бақоев. 25-дақиқада Файзи Башир ҳисобни очган бўлса, 85-дақиқада Имад ал-Хавсанний ғалабани мустаҳкамлади. Кузатувчиларнинг фикрича, ўйинда футболчиларимизнинг ҳисмоний тайёргарлиги талаб даражасида эмаслиги сезилиб қолган. Биринчи гол Ғофуровга тиббий ёрдам кўрсатилган пайтда киритилган бўлса, иккинчисида химоячиларимизнинг ўзлари рақибларга шароит «яратиб беришган». Эслатиб ўтамиз, 29 август кунини Тошкентда Рауф Инилеев шогирдлари ўқув-машғулот йиғинлари доирасида навбатдаги ўртоқлик учрашувини КХДР терма жамоаси билан ўтказди. Уйин МХСК стадиониде соат 19:00 да бошланади.

Экофестивал

«Экосан» халқаро ташкилоти, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлиқда Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шiori остида анъанавий экофестиваллар маррафонини ўтказишни режалаштирганди.

Фестиваллар республикамизнинг барча вилоят ва туманларида бўлиб ўтди. Унда 30 мингдан зиёд аҳоли иштирок этди. Ташкилий қўмита томонидан Тошкент вилояти экофестивали энг яхши деб топилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Наманган вилоятларида ташкил этилган экофестиваллар ҳам ижобий баҳоланди. Пироваддада Тошкент вилоятидаги ижтимоий объектларга 10 млн. сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номи маданият ва истироҳат боғида экофестивалнинг якуний босқичи ниҳоясига етди. Унда,

Миркарим МИРСОВУРОВ, «Экосан» халқаро ташкилоти маслаҳатчиси

ЁШЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ТРЕНИНГ

Яқинда «Ёшлар йили» давлат дастури доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишлари, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида пойтахтимиздаги 11 та турин мактабларида вояга етмаганлар учун семинар-тренинглр ташкил этилди. Уларда спортчиларининг кўргазмали чиқишлари, турли маданий дастурлар намойиш қилинди, киноактёрлар билан учрашувлар ташкил этилди.

СОВРИНДОРЛАР АНЖУМАНИ

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши Ёшлар йили ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрамига бағишлаб тармоқ корхона ва ташкилотлари ходимлари ўртасида шахмат, шашка, стол тенниси бўйича анъанавий шаҳар спартакиадасини ташкил этди. 150 нафардан зиёд ходим иштирок этган мазкур тадбир кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Фолиблар эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирландилар.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» муҳбири

Advertisement for 'Эътироф' (Confession) magazine featuring Shavkat Muzaffar. Text includes 'PARTICIPATION CERTIFICATE' and 'SERTIFIKAT'.

«Ishonch»ни Португалияда ҳам билишди

Едингизда бўлса, ўтган йили газетамиз саҳифаларида иккидорли мусаввир Шавкат Музаффар қаламига мансуб карикатуралардан намуналар бериб берилган эди. Яқинда тахририятимизга қувончли хабар келди. Португалия пойтахти Лиссабон шаҳрида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган «World Press Cartoon» («Жаҳон матбуоти карикатураси») конкурсида Шавкат Музаффар дипломи-сертификат билан тақдирланди. Рассомнинг газетамизнинг 2007 йил 1 декабр сониде чоп этилган «Коррида» асари шундай эътирофга сазовор бўлди. Шунингдек, кўргазма президенти Антонио Антунесдан миннатдорчилик мактуби ҳам келди.

Ушбу конкурс жаҳон матбуоти соҳасида энг нуфузли анжуман ҳисобланади. Унда дунёнинг «Washington post», «Times», «Life», «Liberation», «Financial Times», «El Pais», «Известия», «Комсомольская правда» сингари минглаб нашрларда чоп этилган асарлар қатнашди.

Танловга тақдим этилган асарларда дунёда руй бераётган турли жараёнлар, глобал муаммолар, экология, атерф-муҳитдаги ўзгаришлар ҳажв орқали ифода-ланганлигига алоҳида эътибор қаратилади. Дарвоқе, бу рассомнинг биринчи муваффақияти эмас. Шавкат Музаффар уч йилдан бери ушбу танловда иштирок этиб, ҳар гал дипломга сазовор бўлган. Бир сўз билан айтганда, Шавкат Музаффар эришган муваффақият туфайли «Ishonch»ни Португалияда ҳам билишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Курортлар бошқармаси ва «Чинобод» санаторияси ОАЖ раҳбарияти санатория шифокори Фарида НИЯЗОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Хоразм вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси ижтимоий суғурта ва соғломлаштириш бўлими мудири ЎзКУФК назорат-тафтиш комиссияси аъзоси Матмуратов Бахтиёрга падири буюрқови РЎЗМАТ отанинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти Чиноз тумани 37-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан Артықова Шохиде Лапасовна номига 2005-2006 ўқув йилида берилган О"Р-Ш № 0477713 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper. Includes contact info: 'Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-83', 'Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy', 'Nashr ko'rsatkichi: 133; 134', 'Navbachi muharrir: G. Yusupov', 'Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.', 'Sahifalovchilar: H.Abduljalilov va Y.Mixaylovskiy', '«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.', 'Korxonа manzili: «Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.', 'O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.', 'Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.', 'Hajmi 2 bosma taboq.', 'Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.', 'Sotuvda erkin narxda.', '«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.', 'Tijorat materiallari', 'Bosishga topshirish vahti - 21.00. Topshirildi - 23.00.', 'Buyurtma G — 714', '11364 nusxada bosildi', '1 2 3 4 5 7 8'.